



56

## Қ А Р О Р — П О С Т А Н О В Л Е Н И Е

3 йил „ 9 “ апрель

№ 82-К

Ургут район тоғ ён бағрида  
жойлашган қишлоқларнинг  
табiiй офат натижасида за-  
рар кўрган аҳолисига уй-  
жой қуриш ва яшаш учун  
ер майдони ажратиш тўғрисида

Охириги йилларда об-ҳавонинг сер ёгин келиши натижасида Ургут районининг тоғ ён бағрида жойлашган қишлоқларида яшаётган аҳолини уй-жойлари катта зарар кўрган. Шу зарар кўрган оилаларга уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят Совети президиумининг 1991 йил 6 сентябрь П-856/12 рақамли қарори билан Самарқанд шаҳридаги корхона, муассаса ва ташкилотларга боғдорчилик, узумчилик ва полизчилик жамоаларини ташкил этиш учун ажратилган 200 гектар ер майдони Ургут райони тоғ ён бағрида жойлашган қишлоқларнинг табiiй офат натижасида зарар кўрган оилаларига уй-жой қуриш учун ажратиб берилсин.

2. Вилоят меъморчилик ва шаҳар қурилиш бошқармаси/М.У.Ғуломов/га ажратилган ернинг бош режасини тезлик билан тайёрлаб бериш топширилсин.

3. "Оби-ҳаёт" қурилиш-лойиҳалаштириш/Зулфганов М/, "Самарқанд-ремвод" /Жўрабеков З/ бирлашмаларига янги ерларга кўчиб чиққан аҳолини сув ва ичимлик суви билан таъминлаш чораларини кўриш топширилсин.

4. Самарқанд электр тармоқлари идорасига /Солиев Т./ қурилган уй-жойларни электр қуввати билан таъминлаш юклатилсин.

Вилоят ҲОКИМИ

П.М.Абдурахмонов

